

ORIENTAL JOURNAL OF ACADEMIC AND MULTIDISCIPLINARY RESEARCH

Open Access, Peer Reviewed Journal

Scientific Journal



www.inno-world.uz

+998 33 0178868



НАМАНГАН ВИЛОЯТИНИНГ ЕР ОСТИ СУВЛАРИ САТХИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР.

Дурдона Собирова

“ГИДРОИНГЕО институти” ДМ
sobirovadurdona04@gmail.com

Нигинабону Диярова

“МРИ институти” ДМ
niginaa2797@gmail.com

Мунисахон Нормаматова

“МРИ институти” ДМ
normamatovamunisaxon1@gmail.com

КАЛИТ СЎЗЛАР

Сув ресурслари, ер ости сувлари,
ер ости сувлари мониторинги,
кузатув пункти, ер ости сувлари
сатхи, метеостанция.

АННОТАЦИЯ.

Ушбу мақолада Наманган вилоятининг ер ости сувлари сатхининг тушишига таъсир этаётган омиллар таҳлил қилинган. 2010-2020 йиллар оралиқида олиб борилган кузатув ишлар натижалари бўйича хулоса ва таклифлар берилган. Шунингдек мақолада, 2018-2020 йиллар оралиғида йиллик ўртача ёғинлар ҳамда ҳаво ҳарорати жадвал ва диаграмма кўринишида тақдим этилди.

Кириш.

Ҳозирги кунда, дунёнинг барча мамлакатларида сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни тўғри йўлга қўйиш долзарб муаммолардан бири ҳисобланмоқда. Сув ресурсларига бўлган талабнинг ортиши бу муаммони сиёсий даражада ҳал этилишини талаб этмоқда. Бугунги кунда, ичимликка яроқли сувларнинг катта қисмини ер ости сувлари ташкил этади. Ер ости сувлари турли мақсадларда сув таъминоти учун ишончли манбаъ бўлиб қолмоқда. Айтарли кўп миқдорда баҳоланган бўлишига қарамай уларнинг ресурслари битмас-туганмас эмас ҳамда ифлосланиш ва камайиб кетишдан сақлашни талаб этади. Миқдори ва сифатини сақлаб қолиш фойдаланиш режими ва даражасига боғлиқ.

Ер ости сувлари умумий фойдаланишда бўлиш билан бирга Давлат мулкидир. Шу сабабли улардан оқилона фойдаланиш, химоя қилиш ва фойдаланиш даражаси ҳамда ҳолати ҳақидаги маълумотларга, яъни мониторинг юритишга йилдан йилга талаб ошмоқда. Жаҳоннинг ривожланган давлатларида сув ресурсларини ўрганиш ва назорат қилиш бўйича кўплаб илмий ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан мамалакатимизда ҳам ушбу муаммо бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Мисол учун, ер ости сувларидан оқилона фойдаланишни назорат қилиш ва уларни ҳисобга олишни

йўлга қўйиш, самарали мониторинг тизимини яратган ҳолда уларнинг захираларини янада кўпайтириш, камайиб кетиш ва ифлосланишдан муҳофаза қилиш, шунингдек, республикамиз аҳолисини сифатли ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида “2017 - 2021 йилларда ер ости сувлари захираларидан оқилона фойдаланишни назорат қилиш ва ҳисобга олишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида” қарор қабул қилинди.


Қарорда мавжуд ер ости сув мониторинги тизимининг тўлақонлилик даражаси, ер ости сувларидан фойдаланиш, ҳисобга олиш ва назоратнинг амалдаги ҳолати баҳоланди. Уни яхшилаш бўйича масалалар қўйилди.

Шунингдек, ер ости сувлари мониторинги кузатиш пунктлари тармоғини кенгайтиришни ўз ичига олган 2017 — 2021 йилларда ер ости сувлари захираларидан оқилона фойдаланишни назорат қилиш ва ҳисобга олишни тартибга солиш чора-тадбирлари дастури тасдиқланди.

Бундан ташқари, республикамизда ер ости сувларидан фойдаланиш ва қудуқ бурғилаш тизимини янада такомиллаштириш, ер ости сув ресурсларини муҳофаза қилиш бўйича давлат ва жамоатчилик назоратини кучайтириш, аҳоли орасида сувдан оқилона фойдаланиш маданиятини кенг тарғиб қилиш, уларнинг миқдор жиҳатдан камайиб кетиши ва ифлосланишининг олдини олиш ҳамда пировард натижада аҳолини узоқ муддатли истиқболда сифатли ичимлик сув билан таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори қабул қилинди.

Асосий қисм.

Ўрганилаётган ҳудудимиз Наманган вилояти бўлиб, вилоят 11 та маъмурий туманлардан иборат. Умумий майдони 7.44 минг км² ни ташкил этади. Вилоят аҳолиси 2931,5 минг киши (2021). Наманган вилояти Республиканинг шарқида, Фарғона водийсининг шимоли-ғарбий қисмида, Тяншан тоғ тизмаси тармоқлари-Чотқол ва Қурама тоғларининг ён бағрида жойлашган. Шимолий ва шимоли-шарқдан Қирғизистон Республикасининг Жалолобод вилояти, жануби-шарқдан Андижон, жанубидан Фарғона шимолий ва шимоли-ғарбдан Тошкент вилояти ва Тожикистон Республикасининг Суғд вилояти билан чегарадош [1] (1-расм).



1-расм. Наманган вилоятининг маъмурий-худудий жойлашуви.

Аҳолининг асосий қисми қишлоқда яшайди. Вилоят иқтисодиётининг етакчи тармоғи қишлоқ хўжалиги бўлиб, пахта, дуккакли ўсимликлар етиштиришга ҳамда чорвачиликка ихтисослашган.

Ер ости сувлари вилоят аҳолисини хўжалик-ичимлик суви билан таъминлаш манбаи бўлиб колмокда, улардан суғориш ва ишлаб-чиқариш мақсадлари учун ҳам жадал фойдаланилмокда.

Вилоят худудида ер ости сувлари 9 та ер ости сув конларида, 3 та адирликлар ва Қурама тоғ тизмасининг жанубий-шарқий ён бағрида ривожланган. Ушбу худудларда ўта чучук ва юқори маъданлашган шифобахш ер ости сувлари кенг тарқалган. Ер ости сувлари турли ёшдаги, палеозойдан тортиб тўртламчи давргача ётқизиқларида учрайди. Масалан, халқ хўжалигида муҳим аҳамиятга эга бўлган ер ости сувлари тўртламчи давр ётқизиқларининг фаол сув алмашинув зоналарида тарқалган ва ундан қадимги термал сувлар тарқалган бўр, палеоген ва неоген даврига тегишли сувли қатламларида кузатилади.

2018 йил 1 январ ҳолатига Наманган вилояти худудида 107 қудуқ, 2 булоқ ва 1 та очиқ қудуқдан иборат 85 та кузатув пункти мавжуд эди. Улардан 21 пункт (қудуқ) минерал сувлар кузатув тармоғидир.

Натижа.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 4 майдаги ПҚ-2954- сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида 2018-2022 йиллар мобайнида 40 та қудуқ бурғилаш ҳисобига кенгайтирилди, шу билан барга 21 та янги пункт (32 қудуқ) ташкил этилди ва 8 та мавжуд пунктда 8 та қудуқ қўшилди.

Булардан кўзланган мақсад, ер ости сувларининг сатҳини, босимини, сарфини ўлчаш ҳамда улардан турли тахлиллар учун намуналар олишдан иборат. Ер ости сувларини режимининг кузатиш улардан мақсадли фойдаланишни амалга оширишга катта ҳисса қўшади.

Шунингдек, кузатиш натижаларини кўп йиллик таҳлили келгуси йиллар учун ер ости сувлари миқдорини башоратлаш имконини ҳам беради.

Худудимизда охириги 5 йилда сатх тушиши 5 дан 10 м гачани ташкил этди. Ер ости сувлари ҳолатининг бундай ўзгаришига асосий таъсир этган омиллар бу ер остидан сув олиш ҳамда иқлим ўзгаришидир. Ер остидан сув олиш кўрсаткичнинг ўртача йиллик миқдори 2016 йилга 1271,54 минг м³/сут ни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2021 йилда 2531,16 минг м³/сут ни ташкил этиб 2016 йил ҳолатига кўра 2 баробар ошганлигини кўришимиз мумкин. Олинаётган сув асосан (61%) ерларни суғориш мақсадида фойдаланилмоқда. Ер ости сувлардан фойдаланиш миқдори уларнинг табиий ресурслардан юқорилиги аниқланди. Бу эса ўз навбатида, ер ости сувларининг сатхи ва минерализациясига таъсир ўтказмоқда.

Ер усти ва ости сувларининг ҳосил бўлишида атмосфера ёғинларининг ҳиссаси катта. Шунинг учун ер ости сувлари сатҳидаги ўзгаришларни ёғин миқдорининг ўзгаришлари билан бирга ўрганиш мақсадга мувофиқ. Малумки, ёғин миқдори ҳароратнинг исиб бориши натижасида кўпайиб бориши керак. Чунки ҳаво ҳароратининг илиши унинг намлик сифимининг ошишига олиб келади. Аммо иқлимдаги ўзгаришлар Наманган вилояти ёғин миқдorigа турлича таъсир кўрсатган.

2010-2020 йиллар оралиғида ўртача йиллик ёғин миқдори 114-197 мм. Наманган метеорология станцияси маълумотларига кўра, 2018-2020-йилларда ёғингарчиликнинг йиллик миқдори 2014-2017 йилларга нисбатан сезиларли даражада кам (181 га нисбатан 218 мм). Поп метеорология станциясининг маълумотларига кўра, ёғингарчилик миқдори ҳам 183 дан 155 мм гача камайган. Метеорология станцияси маълумотларига кўра энг кам ёғингарчилик 2020 йилда Поп метеостанциясида - 114 мм, энг максимал ёғингарчилик миқдори 2019 йилда Наманган метеостанциясида - 197 мм, қайд этилган (1-жадвал).

Барча иқлим зоналарида ёғингарчилик миқдори олдинги тўрт йилга нисбатан камроқ бўлган ва одатдгига ўртача кўп йиллик кўрсаткичдан камроқ бўлган. Худудни ўрганиш даврида ёғингарчилик аввалги тўрт йилга нисбатан 80 мм га кам тушди, бу эса табиий ер ости сув ресурсларининг камайишига олиб келиши мумкин.

Кузатишлар натижаларига кўра, ёғингарчилик миқдори бўйича 2019-йил кўп сувли, 2020-йил еса кам сувли йил бўлди. 2020 йилда ёғингарчиликнинг минимал миқдори сўнгги 7-20 йил ичида камайди (2-расм).


Ҳавонинг ўртача йиллик ҳарорати 14,9–15,7°С. Ўртача ойлик максимал ҳарорат июлда (21,6 - 30,8 ° С), энг пасти декабр-февралда (0,8 ° С гача) кузатилади. Ўртача йиллик ҳарорат олдинги тўрт йиллик даврда кузатилган.

Ҳаво ҳароратининг исиши ер ости сувлари сатхининг тушиши ва ерларнинг шўрланишига олиб келмоқда. Иссиқ ҳаво ер ости (гурунт) сувларини буғланишининг тез лашишига сабаб бўлмоқда.

1-жадвал.

Метеостанциялар бўйича йиллик ўртача ёғин ва ҳаво ҳарорати

№	Метеостанциялар номи	Йиллик ўртача ёғинлар мм			Йиллик ўртача ҳаво ҳарорати C ⁰		
		2018	2019	2020	2018	2019	2020
1	Наманган	165	197	180	15,6	15,56	16,32
2	Поп	195	157	114	15,3	15,7	15,3
3	Косонсой	228	232	214	13,7	15,3	14,4
4	Учқўрғон	274	292	242	15,3	16,1	15,1
5	Чуст	197	235	177	14,5	15,8	14,7



2-расм. Йиллик ўртача ёғинлар (мм) диаграммаси.

Ер ости сувлари режимини ҳосил қилувчи омилларнинг ўзгариши ҳудудда ер ости сувлари ресурсларининг камайишига, шу билан бирга ер ости сувлари сатхининг тушишига таъсир кўрсатмоқда. Ер ости сув ресурсларини ҳисоблаш натижалари ва сатх тушишини кузатилгани буни тасдиқлади.

Хулоса.

Иқлим омилларини уларнинг ҳудудда ер ости сувларининг шаклланишига таъсири нуқтаи назаридан баҳолар экан, шунинг таъкидлаш керакки, ёғингарчиликнинг йил давомида нотекис тақсимланиши туфайли ер ости сувлари заҳираларининг ёғингарчилик билан тўлдирилиши куз-баҳор даврида содир бўлади. Ёз ойларида ҳаво ва тупроқ ҳароратининг кўтарилиши ер ости сувлари саёз бўлган жойларда буғланиш орқали ер ости сувларининг интенсив истеъмол қилинишига олиб келади.

Ер ости сувлари сатхининг кузатилган ўзгариши, яъни ҳудудда ер ости сувлари сатхининг тушиб кетиши табиий омиллар ер ости сув режимини хосил қилишда хал қилувчи ахамиятга эга эканлигидан далолат берди.

Ер ости сувидан фойдаланиш миқдори уларнинг табиий ресурсларидан ортиқлиги сабаб ер ости сув сатхи кескин паслаб бораётганли кузатили.

Суғоришни ер ости сувларига салбий таъсирини камайтириш мақсадида янги суғориш технологияларини қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. uz.wikipedia.org
2. Иқлим ўзгаришининг Фарғона водийси сув ресурсларига таъсири. Э.А.Солиев. Наманган-2021 йил.
3. Наманган вилояти адирларининг ландшафт-экологик шароити баҳолаш. О.Т.Мирзамаҳмудов., К.М. Боймирзаев. Тошкент "Мухаррир" нашёти-2011 й.
4. [LEX.UZ - Ўзбекистон қонунчилиги](http://LEX.UZ)

INNOVATIVE
WORLD